



THE ROLE OF WOMEN IN THE SOCIO-ECONOMIC LIFE OF UZBEKISTAN AND THE PROBLEMS OF GENDER EQUALITY (HISTORICAL AND SOCIAL ANALYSIS)

Fayzulla Tolipov

Professor

Tashkent State University of Economics

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Uzbekistan, women, state, society, gender equality, socio-economic, socio-spiritual.

Received: 21.09.24

Accepted: 23.09.24

Published: 25.09.24

Abstract: the article highlights the role of women in state and public life, their active participation in socio-economic life, as well as issues of gender equality in the process of complex reforms implemented in Uzbekistan. The article describes the issues of participation in the political life of the country, ensuring the stability of the socio-spiritual environment, spiritual upbringing of youth in mahallas, directing them to professions, ensuring the role and employment of women in the development of society and women's participation in entrepreneurship.

ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ ВА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК МАСАЛАЛАРИ (ТАРИХИЙ-ИЖТИМОЙ ТАҲЛИЛ)

Файзулла Толипов

профессор в.б. тар.ф.д

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Ўзбекистон, аёллар, давлат, жамият, гендер тенглик, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-маънавий.

Аннотация: мақолада Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар жараёнида аёлларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги фаол иштироки ҳамда гендер тенглик масалалари ёритилган. Унда мамлакат сиёсий ҳаётида, ижтимоий-маънавий мухит барқарорлигини таъминлашда,

маҳаллада ёшларни маънавий руҳда тарбиялаш, уларни қасбга йўналтириш ва жамият тараққиётида аёлларнинг ўрни, бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик соҳаларида хотин-қизлар иштироки масалалари баён қилинган.

РОЛЬ ЖЕНЩИН В СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЖИЗНИ УЗБЕКИСТАНА И ПРОБЛЕМЫ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА (ИСТОРИКО-СОЦИАЛЬНЫЙ АНАЛИЗ)

Файзулла Толипов

Д. ист. н., профессор

Ташкентского государственного экономического университета

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Узбекистан, женщины, государство, общество, гендерное равенство, социально-экономическое, социально-духовное.

Аннотация: в статье освещается роль женщин в государственной и общественной жизни, их активное участие в социально-экономической жизни, а также вопросы гендерного равенства в процессе комплексных реформ, реализуемых в Узбекистане. Описаны вопросы участия политической жизни страны, обеспечения стабильности социально-духовной среды, духовном воспитании молодежи махаллях, направления их к профессиям, обеспечения роли и занятости женщин в развитии общества и участие женщин в предпринимательстве.

КИРИШ

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, фуқаролик жамияти қурилишидаги иштирокини таъминлаш, хотин-қизларнинг хукуқ ва эркинликларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, имкониятларини рўёбга чиқаришларига енг шартшароитлар яратиб берилмоқда. Чунки мустақиллик йилларида аёллар Ўзбекистон Республикасини барқарор ва тинч йўл билан ривожланишида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келаётганликлари бунга яққол далиллар.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бу борада айниқса 2018 йил 3 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони аёлларнинг ўрнини ҳар томонлама қўллаб қувватлашга хизмат қилди [1. 04. 2018 й].

Агар тарихий рақамларга мурожаат қилинса, Ўзбекистон мустақиллигининг илк

йилларида, яъни 1991 йилда халқ хўжалиги оғир меҳнатида аёлларнинг бандлиги 47% ни ташкил этган бўлса, 2000 йилга келиб бу кўрсаткич 42, 5% га қисқарган [2. С 52]. Яъни, аёллар ўша пайтдаги қўл меҳнатидан кейинчалик хизмат кўрсатиш, бошқарув, тадбиркорлик, фермерлик харакати, аграр соҳаларга кириб борганлар. Яъни, улар фаолияти кенгайиб, турли соҳалардаги нуфузи ортган. Турли соҳалар ривожида аёлларнинг ўрни хусусида мамлакат Президенти Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, Ўзбекистон Қаҳрамонлари фидойи аёллар Халчахон Мирзаева, Патилахон Эргашева, Сиёсатхон Абдуллаева, Муяссар Темирова, Мартия Раҳматова барчага ўrnak ва намуна бўлиб келмоқдалар. Айниқса давлат бошқаруви, тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги соҳалари ва ишлаб чиқаришда аёлларнинг ўрни баланд эканлиги фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Айниқса маҳаллада маънавий-гоявий тарбия ишларини ташкил этиш ва унга доир чора–тадбирлар ишлаб чиқишида, ёшлар орасида мафкуравий профилактикаолиб борища аёлларнинг роли алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25–майдаги “Ўзбекистон Республикаси Хотин–қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб–қувваллаш борасидаги қўшимча чора–тадбирлари тўғрисида”ги 3434–сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг мазкур Фармон ижросини таминлаш чора–тадбирлари дастури тўғрисидаги 2004 йил 29 июндаги 299–сон қарорида “Хотин–қизларга диний билимлар ва миллий диний анъаналар асосини эгаллашда ёрдам кўрсатиш, хотин – қизларни диний бағрикенглиқ, барча бошқа диний конфессияларга хурмат билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш, жамиятда диний ва дунёвий қарашлар қарама – қаршилигига йўл қўймаслик, диний экстремизм ва ақидапарастликнинг мамлакатимиздаги осойишта ҳаёт ва ижтимоий сиёсий барқарорликни бузишга қаратилган, ғайриинсоний, зарарли гояларнинг жамиятда тарқалишига қарши курашиш” вазифалари белгиланган [3. Б. 5-6.].

Мазкур қарор ҳамда уларни амалга оширишини таъминлаш бўйича ташкилий, ташвиқот чора–тадбирлари Дастурида белгиланган вазифларни бажариш мақсадида жойларда “Маҳалла фуқаролар йигинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалари бўйича маслаҳатчилари” тайинланадиган бўлди. Бундай лавозимга аҳоли билан яқиндан ишлаш, жумладан аҳоли ўртасида обрў–этиборга эга бўлган, миллий, диний анъаналар ва расм–русумлар борасида катта тажрибага эга ҳамда ўзи ўrnak ва бош–қош бўла оладиган аёллар тайинланиши белгилаб қўйилди.

Яъни, маҳалла раиси маслаҳатчиси лавозимининг мақсади қуидагилардан иборат бўлди: фуқаролар йигини ҳудудидаги аҳоли, биринчи навбатда, ёшларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий, диний анъаналар ҳамда урф–одатларни сақлаш ва ривожлантириш, маънавий муҳит барқарорлигини ҳамда миллатлараро дўстлик ва

ҳамжиҳатлик ишларини тизимли тарзда амалга ошириш маслаҳатчи фаолиятининг асосини ташкил қиласи [4. 2005 й.].

Жамиятда ижтимоий–маънавий мухит барқарорлигини таъминлаш, маҳаллада ёшларни маънавий руҳда тарбиялаш, уларни турли диний оқимларга кириб кетмасликларини олдини олиш борасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.10.2008 йиллардаги 17–26–68–сон “Диний экстремизм ва миссионерликнинг олдини олиш юзасидан 2008–2009 йилларга мўлжалланган идоралараро чора-тадбирлар режаси” ҳам янги қадам бўлди. Унда “ёшларга диний билимлар ва миллий–диний анъаналар асосларини эгаллашда ёрдам кўрсатиш, уларни диний бағрикенглик, барча бошқа диний конфесияларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш, жамиятда диний ва дунёвий қарашлар қарама–қаршилигига йўл қўймаслик, диний экстремизм ва ақидапарастликнинг мамлакатимиздаги осойишта ҳаёт ва ижтимоий сиёсий барқарорликни бузишга қаратилган, ғайриинсоний, заарли ғояларнинг жамиятда тарқалишига қарши курашиш” давлат ва нодавлат ташкилотларига алоҳида вазифа сифатида юклатилди.

Албатта кейинги йилларда хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг иш шароитларини яхшилаш, қулай бўлган меҳнат турлари, яъни касаначиликни ривожлантириш борасида маълум даражада тажриба тўпланди. Бундан ташқари хотин-қизлар ўртасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш юзасидан Республика хотин-қизлар қўмитаси, Республика “Тадбиркор аёл” уюшмаси билан ҳамкорликда иш олиб борилиши натижасида 2000 йилга келиб тадбиркор аёллар сони 20 мингдан ортган, мазкур уюшма ташкил топгандан 2010 йилгача 18 минг нафардан зиёд хотин-қизга бизнес юритиш асослари ўргатилиб, аввал ишсиз бўлган 12 минг нафар хотин-қизнинг касб-хунар эгаллашига қўмак берилган [5. 2019 й. Б. 17].

“Тадбиркор аёл” Ассоциацияси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан аёлларни иш билан таъминлаш борасида 2000 йилда Андижон вилояти бўлимида 1000 нафар аёл касблари бўйича қайта тайёргарликдан ўtkазилиб, 3000 аёл ишга жойлаштирилган ва 50 киши ўзларининг тадбиркорлик фаолиятини бошлаганлар. Бухоро вилояти бўлимида 222 ишчи ўрни яратилиб, 120 нафар аёл иш билан таъминланган, 90 та аёлнинг мустақил иш фаолияти билан банд бўлишига қўмаклашилди. Қашқадарё вилояти бўлимида 1500 аёлга ўзларининг тадбиркорлик фаолиятларини бошлашларига қўмак берилди, 500 нафар аёл эса касбга қайта тайёргарликдан ўтиб ва малакаларини оширганлар. Хоразм вилояти бўлимида 240 ишчи ўрин ташкил этилди ва 150 нафар аёл ишга жойлаштирилган, 300 аёл касбга қайта тайёрланган.

Умуман, 1991-2009 йиллар оралиғида республикада тадбиркор аёллар 120 мингдан

ортиқ кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини бошқарғанлар [6. С 174-175]. Бу шубҳасиз, республика ички бозорини маҳсулотлар билан тўлдириш, шу билан бирга аёлларга янги иш ўринларини яратиш борасида талай ижобий ишлар амалга ошириб келингандигини кўрсатди. Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашда аёллар бошқаруви муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу борада 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармонида фермерлик ҳаракатини ривожлантиришда аёллар ролини ошириш, унда бошқарув тизимини демократик тамойилларга таянувчи таъсирчан тизимини ташкил этиш муҳимлиги сиёсий-амалий аҳамиятга эга бўлди.

Фармонда таъкидлаганидек, мамлакатимизда фермерлик ҳаракати қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчисига ҳамда аграр соҳани ва у билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқларни ҳамда ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, шунингдек, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун мъсулиятини ўз зиммасига олишга қодир бўлган аёллар жамиятимизда етакчи кучга айланиб бораётганлиги уқдирилган.

2021 йилгача мамлакатда аёлларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги фаолияти, айниқса иқтисодий ва сиёсий фаоллигини ошириш масаласида ҳам анча ўсишга эришилган. Ўша даврда маҳаллий вакиллик органларида аёллар улуши 16 % ни, Қонунчилик палатасида 17,5% ни, Сенатда эса уларнинг салмоғи 15% ни ташкил этмоқда. Ижро органларида 3,4 %, суд органларида 22,7 %, ишлаб чиқаришда ҳам олдинги даврларга нисбатан икки баробар ортган [7. Б. 506] лигининг ўзиёқ аёлларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ортиб бораётганлигини тасдиқлайди.

Аёлларга эътибор, уларни эъзозлаш, эҳтиром кўрсатиш ўзбек халқига хос олижаноб хусусиятлардан биридир. Шу маънода, Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш борасида давлат аҳамиятига молик тарихий ишлар амалга оширилаётгани чуқур ҳаётий асосга эга. Жамиятда сиёсий, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва тараққиёти кўп жиҳатдан аёлларга, оиласа бўлган муносабат ва эътибор билан белгиланиши бежиз эмас.

Тадқиқотчиларнинг қайд этишича, республикамизнинг айrim касб-хунар коллажлари битирувчи қизлари орасида ўтказилган ижтимоий сўровномалар асосида ўқишини битириб ушбу соҳада ишлашини, яъни фермер бўлишни айrim қизлар истайдилар, бироқ меҳнатнинг бу турига интилевчилар улуши унча кўп эмас: йигитларда- 16,9%, қизларда-6,4 %. Бошқача айтганда, ҳозирги давр қишлоқ ёшлари меҳнатнинг қишлоқ хўжалиги турига қизиқишини йўқотмоқдалар. Ўқишини давом эттиришни ҳоҳлайдиган ўқувчилар орасида

агроном бўлишни истайдиган йигитлар ҳаммаси бўлиб 33 нафар эканлиги (5,4 %), қизлардан бирортасида бундай касбга интилиш йўқлиги бунинг исботи ҳисобланишини ҳал этилиши лозим бўлган муаммолардан биридир [8.Б.72-73].

Шунингдек, маҳаллада маънавий-гоявий тарбия ишларини ташкил этиш ва унга доир чора–тадбирлар ишлаб чиқиш, ёшлар орасида мафкуравий профилактикани олиб боришда аёлларнинг роли алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада “Янги Ўзбекистон” да 2020 йилга келиб аёллар фаолияти тараққиётнинг янги босқичига кирди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб–қувватлаш ҳамда оила ва хотин–қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора–тадбирлари тўғрисида” ги фармони эълон қилинди[9. №37]. Ушбу фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб–қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги қарори қабул қилинди [10. №37]. Мазкур қарорда аёлларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрнини ошириш борасидаги вазифалари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра “Хотин–қизларга диний билимлар ва миллий диний анъаналар асосини эгаллашда ёрдам кўрсатиш, хотин – қизларни диний бағрикенглик, барча бошқа диний конфессияларга хурмат билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш, жамиятда диний ва дунёвий қарашлар қарама – қаршилигига йўл қўймаслик, диний экстремизм ва ақидапарастликнинг мамлакатимиздаги осойишта ҳаёт ва ижтимоий сиёсий барқарорликни бузишга қаратилган, ғайриинсоний, зарарли ғояларнинг жамиятда тарқалишига қарши курашиш” вазифалари белгиланган [11. Б. 5-6].

Мазкур қарор ҳамда уларни амалга оширишини таъминлаш бўйича ташкилий, ташвиқот чора–тадбирлари Дастурида белгиланган вазифларни бажариш мақсадида жойларда “Маҳалла фуқаролар йигинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалари бўйича маслаҳатчилари” тайинланадиган бўлди. Бундай лавозимга аҳоли билан яқиндан ишлаш, жумладан аҳоли ўртасида обрў–етиборга эга бўлган, миллий, диний анъаналар ва расм–русумлар борасида катта тажрибага эга ҳамда ўзи ўrnak ва бош–қош бўла оладиган аёллар тайинланиши белгилаб қўйилди.

Яъни, маҳалла раиси маслаҳатчиси лавозимининг мақсади қуидагилардан иборат бўлди:

-маҳалла худудидаги аҳоли, биринчи навбатда, ёшлар онгига соғлом турмуш тарзини қарор топтириш;

- намунали, миллий, диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаш ва ривожлантириш;

- жамиятда маънавий мухит барқарорлигини ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик ишларини тизимли тарзда амалга ошириш кабилар [12. 2005 й].

Жамиятимизда аёлларга эътибор, эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос олижаноб хусусиятлардан бири сифатида маҳаллаларда хотин-қизларнинг ўрни ва мавкеини мустаҳкамлаш борасида давлат аҳамиятига молик тарихий ишлар амалга оширилаётгани чукур ҳаётий асосга эга эканини тасдиқлайди. Жамиятда сиёсий, ижтимоий-маънавий мухит барқарорлиги ва тараққиёти кўп жиҳатдан аёлларга, оиласа бўлган муносабат ва эътибор билан белгиланиши бежиз эмас.

Янги Ўзбекистонда 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳукуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида» ги қонун хотин-қизларнинг ижтимоий ўрнини кўтариб, уларни ҳимоя қилишда мухим асос ролини ўйнади [13. 03/19/562/3681-сон]. Олий Мажлис Сенатида «Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси» ташкил этилди. Президент Шавкат Мирзиёев гендер тенглик борасида Олий Мажлис Сенатидаги нутқида кишилар онгидаги мавжуд миллий стереотиплар хусусида гапириб, шарқ аёlinи авваламбор она, оила деган муқаддас қўрғоннинг қўриқчиси сифатида ҳурмат қилмоғимиз тўғри бўлишини, аммо ҳар бир аёл жамият ва давлатнинг оддий бир кузатувчиси эмас, балки мамлакатимизда амалга оширилаётган барча изчил демократик ислоҳотларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси ҳам бўлиши кераклигини уқдирган эди. Шу куни Президентнинг таклифига биноан, мамлакат тарихида илк бор Сенат раислигига аёл киши сайланди. Сўнгги йилларда республикамиизда гендер тенглик масаласига бағишланган 25 та қонун қабул қилинди. Мамлакат тарихида биринчи бор миллий Парламентдаги хотин-қизлар сони ошибб, улар БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди.

Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясининг 69-мақсади «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш», деб номланиб, унда кейинги беш йил ичida амалга оширилиши зарур бўлган устувор масалалар белгиланди. Ушбу стратегик дастурларда белгиланган жамиятимизда хотин-қизларга нисбатан бўлаётган тазиик ва зўравонликларга нисбатан муросасиз бўлиш, уларнинг ҳукуқлари манфаатларини таъминлаш, гендер тенглик сиёсатини изчил давом эттириш, хотин-қизларнинг турли йўналишлардаги фаоллигини ошириш, хотин-қизларнинг таълимнинг барча кўринишларида ва касб олишлари учун муносаб шарт-шароитлар яратиш, аёллар тадбиркорлигини кенгайтириш масалалари устувор аҳамият касб этишини англатади. Республикализнинг барча худудларида, айниқса, қишлоқ худудларида хотин-

қызларга бериләётган хизматлар, айниқса тиббий-ижтимоий хизматлар турларини янада кенгайтириш, улар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга оид ишлар самарадорлигини ошириш белгиланган [14. . № 22. 01. 2022].

Кейинги йилларда республикамизда гендер тенглик масаласига багғишиланган 25 та қонун қабул қилинди. Мамлакат тарихида биринчи бор миллий Парламентдаги хотин-қызлар сони ошиб, улар БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон-2030 стратегияси” да эса 25-мақсадда аёллар гендер тенглиги масаласи борасида алоҳида масалалар мавжуд. Ушбу дастурда белгиланган жамиятимизда хотин-қызларга нисбатан бўлаётган тазийқ ва зўравонликларга нисбатан муросасиз бўлиш, уларнинг ҳукуқлари манфаатларини таъминлаш, гендер тенглик сиёсатини изчил давом эттириш, хотин-қызларнинг турли ёғналишлардаги фаоллигини ошириш, хотин-қызларнинг таълимнинг барча кўринишларида ва касб олишлари учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, аёллар тадбиркорлигини кенгайтириш масалалари устувор аҳамият касб этишини англашади.

Ислоҳотларнинг бугунги босқичида мамлакатда хотин-қызларнинг ҳукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, эҳтиёжманд хотин-қызларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш борасидаги ислоҳотлар тизимли давом эттириляпти. Бу ишларни янги поғонага олиб чиқиши мақсадида 2030 йилга қадар гендер тенгликка эришиш стратегияси қабул қилинди. Эркаклар ва аёллар учун никоҳ ёши 18 ёш этиб белгиланди, аёллар меҳнати тўлиқ ёки қисман қўлланилиши тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхати бекор қилинди. Ички ишлар тизимида хотин-қызлар билан ишлаш масалалари бўйича инспектор лавозими жорий этилди.

Тарихий рақамларга кўра 2017-2023 йилларда раҳбарлик лавозимларида аёллар сони 27 фоиздан 35 фоизга ошди. Ўзбекистонда хотин-қызлар манфаатлари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жумладан, мамлакатда сўнгги 7 йил ичida раҳбарлик лавозимларида аёллар сони ошиб, парламент фаолиятида эса 32 фоизга етди. Жамиятда аёлларга кўрсатилаётган юксак эътибор натижасида бугунги кунда уларни нафақат ижтимоий ҳимоялаш, балки давлат ва жамият бошқаруви, жумладан агар соҳа ҳаётида янада самаралироқ иштирок этишини таъминлаш, ишлаб чиқариш, хусусан қишлоқ хўжалиги соҳаларига фаол жалб этиш, улар фаолиятидан янада кенгроқ фойдаланишни назарда тутади. Шунинг учун мамлакатимизда тараққиётнинг ўзаги ҳисобланган аграр соҳа ривожида аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада ошириш нуқтаи назаридан қўйидаги таклифларни илгари суриш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, соҳа ривожи ва уни бошқаришда аёлларнинг ўрни ва мавқеини ошириш учун тадбиркорлик соҳаларига аёлларни янада кенгроқ жалб этиш;

Иккинчидан, аёлларнинг аграр соҳадаги тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтириш нуқтаи назаридан уларга кредиталар, микрокредитлар ажратишда айрим имтиёзлар бериш;

Учинчидан, соҳани янада ривожлантириш истиқболларини аниқ белгилаш учун ушбу йўналишда илмий тадқиқот ишларини янада кенгайтириш;

Тўртинчидан, аёлларнинг жамиятни модернизация қилиш ва бошқаришдаги иштироки ва соҳани ривожлантириш истиқболларини оммавий ахборот воситаларида янада кенгроқ тарғиб қилишга эришиш;

Бешинчидан, соҳа учун кадрлар тайёрлаш тизимининг янги йўналишларини, аёл кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида тегишли олий таълим муассасаларида аёл кадрлар тайёрловчи маҳсус мутахассислик йўналишларини кўпайтириш кабилардир.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда мустақилликнинг ilk кунларидан бошлаб жамиятимизда аёлларга эътибор, уларни эъзозлаш, эҳтиром кўрсатиш аграр соҳа бошқаруви ва иштирокида аёлларнинг ўрнига эътибор юқори босқичга қўтарилганига яна бир бор гувоҳ бўлдик. Аммо мамлакатимизда хотин-қизларнинг тадбиркорлик, қишлоқ хўжалик соҳалари ва бошқарувдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш борасида талайгина муаммолар борлигини, анчагина ишларни амалга ошириш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақоза этмоқда. Булар аёлларнинг аграр соҳа тадбиркорлигидаги иштироқини кенгайтириш, уларга кредиталар, микрокредитлар ажратишда айрим имтиёзлар бериш, улар учун муносиб, хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш кабилардир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-куватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони. “Халқ сўзи”. Т. 2018 йил. 4 феврал.

2. Гонорская А.В Обеспечение занятости трудовкх ресурсов Республики Узбекистан с использованием потенциала негосударственных некоммерческих организаций (На примере женской занятости). Дисс. на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Т., 2002. - С 52

3. Қуронов М ва бошқалар. Маҳаллада ғоявий тарғибот. –Тошкент ., 2009.-Б. 5-6.

4. Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари буйича маслаҳатчиси фаолияти тўғрисидаги Намунавий Низом. -Тошкент., 2005

5. Шамсиева М. X. Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни (1991-2010 йй). тарих фанлари бўйича

фалсафа доктори (phd) диссертацияси Автореферати. Т.,2019.17-бет.

6. Годовой обзор состояния экономики и основных направлений внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан за 2016 год.// Торговое представительство Российской Федерации в Республике Узбекистан. Ташкент., 2017. С 174-175.

7. Сайд-Газиева Н. Давлат хизмати ва инсон хукуқлари: назарий-хукукий масалалар.// Жамиятни демократлаштириш ва инсон хукуқларини таъминлаш-Ўзбекистон тажрибаси. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Т., 2008 й, 506-бет.

8. Убайдуллаева Р, Ата-Мирзаев О, Умарова Н. Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги. (илмий-ўқув қўлланма). Т., 2006. 72-73 бетлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони. “Халқ сўзи”, 2020 йил 20 февраль, №37.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш этиш тўғрисида” ги қарори. “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 20 февраль, №37-сон.

11. Куронов М ва бошқалар. Маҳаллада ғоявий тарғибот. –Тошкент ., 2009.-Б. 5-6.

12. Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари буйича маслаҳатчиси фаолияти тўғрисидаги Намунавий Низом. -Тошкент., 2005

13. Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида» қонуни.// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.09.2019 й., 03/19/562/3681-сон;

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. // Янги Ўзбекистон . № 22. 1 февраль.